

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ “БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” КАФЕДРАСИ



“ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ”

**халқаро илмий-амалий конференция
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

16 сентябр 2022 йил

килишда уларни хорижий корхоналар билан қиёсий таҳлиллар ўтказиш, корреляцион-регрессион таҳлилларни амалга оширилишида ҳам жуда катта маълумотлар базаси шаклланишига замин яратади.

Мамлакатимизда эса МХХСларига ўтиш бўйича жуда катта амалий ишлар олиб борилмоқда. Буни ҳуқуқий асоси сифатида “Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”²¹⁸ги Президент қарорида “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда — МХХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида ... акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахсларга МХХС асосила бухгалтерия ҳисобини юритишлари” кўрсатиб ўтилган.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ СУБЪЕКТЛАРИДА “ФРАНКО-ИСТЕЪМОЛЧИ” АСОСИДА ТАННАРХНИ ЭЛЕКТР УЗАТИШНИНГ ТУРЛИ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБЛАШ

Каххаров Зухриддин Зафарбек ўғли
ТФИ 3-босқич докторанти

Электр энергияси таннархини ҳисоблашда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг барча технологик босқичлари ва маҳсулот бирлигига тўғри келадиган харажатлар моддалари бўйича ва мутлақ кўрсаткичларда электр энергиясининг режалаштирилган ва ҳисобот таннархининг қиймати кўрсатилган. Энергетика корхоналарини электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва сотиш бўйича ягона тизимнинг алоҳида турларга бўлиниши натижасида ушбу хўжалик юритувчи субъектларда асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларни вужудга келтиради. Корхоналарнинг ҳар бирида таннарх фаолият турига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Энергетика соҳасида таннархни ҳисоблаш методологиясининг бошқа тармоқлардаги ҳисоб-китоб методологиясидан фарқ қилувчи хусусияти энергиянинг умумий таннархини “франко-истеъмолчи” шароитида аниқлаш ҳисобланади. Бундай ҳисоб-китоб энергияни ишлаб чиқаришдан токи истеъмолчигача узатишдаги барча харажатларни тўлиқ қамраб олишни назарда тутди. Электр энергетика саноати бошқа тармоқларидан фарқли ўлароқ, бир бирлик таннархи ишлаб чиқарилган эмас, балки сотилган маҳсулот (электр ёки иссиқлик) бўйича ҳисобланади. Бунда генерация корхоналари (масалан, иссиқлик электр станциялари) миллий электр тармоқларига сотилган энергия ҳажми, миллий электр тармоқлари эса ҳудудий электр тақмоларига сотилган энергия ҳажмини таннархни ҳисоблаш учун олади.

**“ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ”**

**мавзусидаги халқаро илмий – амалий конференция
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

2022 ЙИЛ 16 СЕНТЯБРЬ

ТОШКЕНТ-2022